



Алишер Навоийнинг ўзи уруг-аймоги борасида деярли, маълумот қолдирмаган. Фақат тогалари Мир Саид Кобилий ва Мухаммад Али Гарибий, укаси Дарвишали хакида “Мажолис”да бироз тўхталади, у ҳам бўлса, тазкира талаби нуктаи назардан жуда киска. Отаси тўғрисида мавзу талаб қилганда гапиришга мажбур бўлган жойлари бор. Масалан, “Мажолис”да Мир Шохий номли шоир жасади Астрободдан ватани Сабзаворга олиб келинган пайтда отаси бу ерда ҳукумат ишларини бошқариб турганини айтиб ўтади. Унинг қанча ҳокимлик қилгани ва Алишерлар оиласининг Сабзавордаги ҳаётига доир бошқа маълумот қолдирилмаган. “Бадоеъ ул-бидоя”да “отам бу остон хокбези, онам ҳам бу сарой бўстони қанизи”, – деб уларнинг теурийлар хонадони хизматида бўлганликларини қамтарона таъқидлаб ўтган. “Вакфия” асарида “бу хоксорнинг ота-бобоси Султон Хусайн Бойқаронинг обо ва аждоди хизматидаким, ҳар бир салтанат қонининг гавҳари ва шуҷоат бешасининг газанфари эрдилар – улуг маротибка сазовор ва бийик маносик қомгор бўлган эрдилар”, – дея ўзининг насб-насабига ишора этган. Аммо негадир бирон-бир асарида ота-онаси хакида аниқ маълумот қолдирмаган. Ҳатто унинг номини ҳеч қаерда тилга олмайди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида шундай ёзади: “... Амир Алишердирким, қадим замонлардан унинг муқаррам боболари ва аждоди олий амирлар қаторидан жой олган эдилар. Умаршайх мирзо ибн Амир Темур даврида уларнинг ҳаёти лавҳига қўқалдошлик бахти эътибор қалами билан ёзиб қўйилган”. Ушбу асар хижрий 872 (мил. 1467-1468) – 874 (1964-1470) йиллар орасида ёзиб тугатилган ва хижрий 875 (мил. 1470) йили муаллиф уни яна давом эттириб, ўша йилнинг сафар ойида (1470, август) рўй берган воқеаларни ҳам қўшган. Асарнинг навоийшунослик учун икки аҳамиятли жиҳати бор. Биринчидан, у Алишер Навоий номини тарихда илк бор ёзма қайд этган манба ҳисобланади. Шунинг учун ундаги Навоий ҳаётига алоқадор маълумотлар тарихий факт сифатида муҳим. Маълумотлар қиска ахборот тарзда қолтирилса ҳам улуг мутафаккир ҳаётини ўрганишда қатта аҳамиятга эга. Иккинчидан, асар Навоий назорати остида яқунланган. Демак, Навоий ўз хақидаги қайдларни қўрган. Маълумотни ниҳоятда қиска берилишига қараганда, Навоийнинг ўзи шуни маъқул топган бўлиши мумкин. Балки шунинг учун ҳам ўша давр манбаларида, айниқса, Навоийнинг яқин шогирди, муаррих Хондамирнинг барча тарихий асарларида улар деярли, айнан, тақрорланиб ортиқча тафсилот билан бойитишга журъат этилмагандир.

Давлатшоҳ Самаркандий ҳам негандир ўз тазкирасида Навоийнинг отаси тўғрисида жуда қисқа тўхталади. “Навоийнинг отаси Абдулқосим Бобурнинг ишончли кишиси Чигатой улуси улугларидан эди”, – дейиш билан қисқояланади. Айти пайтда у Навоийнинг отаси ҳарбий бўлганини таъкидлаб ўтган.

Тадқиқотлар натижасида Алишер Навоий даврида яратилган турли жанрларга мансуб асарларнинг бирортасида ҳам улуг амирнинг отаси ҳақида етарли маълумот келтирилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Шуниси таажжублики, Навоий вафотигача яратилган барча асарларда Навоийнинг отаси борасида юқоридаги маълумотларга қўшимча бўладиган факт йўқ. Хатто “Равзат ус-сафо” асарида учрамайди. Навоийнинг ўз аждоди борасида қолдирган мавҳум маълумотлари ва қўқалдошлик манбаларини аниқ изоҳлаб кетмаганлиги унинг ниҳоятда қамтарона йўл тутгани ва қибру гурурга берилмагани билан изоҳланар балки.

1501 йили Навоий вафот этади. Шундан кейинги давр манбаларида Навоий ҳақидаги қизиқарли маълумотларни қўриш мумкин. “Ҳабиб ус-сияр”да биринчи марта Навоий отасининг исми тилга олинади. Жумладан, Мирзо Иброҳим томонидан Абу Саъид мирзо ҳузурига элчи юборилганда уларга ҳамроҳлик қилиш Амир Алишернинг отаси Гиёсиддин Қичкинага топширилганлиги айтилади.

Шу ўринда олимларнинг улуг амир хислатлари ва фаолиятига бағишланган Хондамирнинг махсус асари– “Мақорим ул-ахлоқ” шоир вафотидан сўнг ёзилган деган фикрини яна бир бор чуқур ўйлаб қўриш керакка ўхшайди. Шундай деб ҳисобланган тақдирда “Ҳабиб ус-сияр”да Навоийнинг отаси ҳақида қўшимча маълумот беришга журъат этган Хонадамир “Мақорим ул-ахлоқ”да ҳам эркин фикр юритиши мумкин эди. Лекин муаллиф Шохрух султон вафотидан сўнг Навоийнинг отаси бола-чақаси билан Шероз томонга йўл олганини айта туриб, унинг номини тилга олмайди. Балки “Мақорим ул-ахлоқ” Навоий вафотидан аввал ёзила бошлагандир. Шунинг учун ҳам Хондамир асарда устози белгилаб берган чегаралардан чиқмагандир? Қизиги шундаки, “Равзат ус-сафо”да ҳам Навоий отасининг номи тилга олинмаган. Бу асар Навоийнинг ўз назорати остида ёзилгани манбаларда тасдиқланган. Демак, Навоий онгли равишда ота-онаси ҳақидаги тафсилотларнинг берилишини хохламаган қўринади. Садриддин Айний ёзади: “Шохрух мирзо салтанати давридаги катта амалдор ва донг чиқарган лашкарбошилар тарихий асарларда номма-ном қайд этилган. Агар Алишернинг отаси катта амалдорлар жумласидан бўлганда эди, у давр тарихчилари назаридан, ҳусусан, “Равзат ус-сафо” номли тарихий асарни ёзган Мирхонднинг назаридан қолмас эди”.

Фахрий Хиротийнинг “Латоифнома”сида ёзилади: “Мирнинг таржимаи холидан хабардор мўйсафид тарихчилар ва тўгри сўзли дунё кўрганлар ўз асарларида шундай келтирадиларки Мирга амирлик мансаби меросийдир. Унинг отаси Амир Кичкина султон Абу Саъиднинг хизматида эди. Гарчи мухру мансаби бўлмаса ҳамкатта хурматга эга эди. Она томондан бобоси Амир Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойкаро хонадонида амир ул-умаро эди. Мир ўн ёшлигидан Бобур мирзо хизматида бўлиб, (султон) уни фарзандидек кўрарди. Мир замон султони (Хусайн Бойкаро) билан мактабда ҳамсухбат ва ҳамсабоқ эди. Улар қачон бошларига бахт куши кўнса, бир-бирларини унутмасликка аҳду паймон боғлашган экан”. Фахрийнинг тазкираси Навоий вафотидан сўнг – 1521-1522 йили яратилган. Тазкира муқаддимасидаги ишорага қараганда, у мазкур маълумотларда кимдир суянган. Балки Фахрий бизгача етиб келмаган қандайдир манбага асослангандир. Бу бизга қоронғи. Бироқ унинг Навоий билан шахсан таниш бўлгани ва мушоарларида қатнашгани унинг маълумотлари ишончли эканига шубҳа тугдирмайди. Шунга қарамай, нега Навоийнинг она томонидан бобоси исмини кўрсатиб, ота томонига эътибор бермагани таажжубланарли. Бу эса Хондамир асарларидаги маълумотлар руҳиятига мантқан бўлганмайди. Гап шундаки, Фахрий Абу Саъид Чанг Бойкаро хонадонида амир ул-умаро эди, деб кўрсатар, унинг Навоийга она томондан бобо эканини таъкидлар эканми, Навоий ўзи эътироф этган “ота-отадан етти пуштга дегинча бу рафиъ дудмоннинг бойири бандаси ва бу васиъ остоннинг мавруси тугмаси, яъни бу хонзоданинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хоназодаси”, деган мулоҳазага биноан ота томони аجدодлари ҳақида ҳам албатта, маълумот бериб ўтиши жоиз эди. Бундай маълумотнинг йўқлиги Навоийнинг ота томондан аجدодлари ҳақида аниқ фикр юритиш имконини бермайди.

[Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,](#)

[филология фанлари доктори, профессор.](#)